



2019 yil « 23 » *март* 114 – Қ - sonli

Samarqand sh.

“GEKTOR-BORIS” хусусий корхонасига инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар белгилаган ҳолда замонавий меҳмонхона ва умумий овқатланиш (ресторан) мажмуаси ҳамда автомобилларга газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5552-сонли Фармони ва халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2019 йил 8 февралдаги 342/61-сонли қарори ҳамда вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг 2019 йил 20 февралдаги 04-01/20-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. “GEKTOR-BORIS” хусусий корхонасига туманда туризм инфратузилма объектларини барпо этиш ва туман туризм салоҳиятини ривожлантириш мақсадида замонавий меҳмонхона ва умумий овқатланиш (ресторан) мажмуаси ҳамда автомобилларга газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш учун Нарпай туман, “Тепа” МФЙ Зарафшон массивининг 523 ва 527-контурлардаги 1,5 гектар яйловли ер участкаси қуйидаги инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилсин:

замонавий меҳмонхона ва умумий овқатланиш (ресторан) мажмуаси ҳамда автомобилларга газ қуйиш шохобчасини ташкил этиш учун 1,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш;

2020 йил 3 чорагига қадар инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;
20 та янги иш ўринларини яратиш;

ажратилган ер майдони ва туташ ҳудудларида ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

3. Вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (Ф.Мажидов) “GEKTOR-BORIS” хусусий корхонаси томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгиланган муддатларда бажарилиши юзасидан мониторинг юритилишини, инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши юзасидан тегишли маълумотларни ҳар чорак якуни бўйича Самарқанд вилоят ҳудудий танлов комиссияси муҳокамасига киритиб борилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 87-моддасига мувофиқ “GEKTOR-BORIS” хусусий корхонаси ажратилаётган 1,5 гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилигини ўрнини қоплаш учун белгиланган тартибда ҳисобланган 812 138 (саккиз юз ўн икки минг бир юз ўттиз саккиз) сўм маблағ вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Нарпай тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (С.Ҳакимов):

“GEKTOR-BORIS” хусусий корхонасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатиб ўтилган ер участкасини ажратиб бериш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилишини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчилиги ўрнини қоплаш учун ҳисобланган тўловлар белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан, ер участкасидан белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ҳамда белгиланган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ бекор қилиниши юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини таъминлаш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Нуркулов ва О.Ходжаев зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов